



Кейинчалик калдонийларнинг янги Бобил - Новабобил мамлакатининг подшоси дунёдаги энг золимлардан ва хукмини кўпчиликка ўтказганлардан бири Бухтанассор II 661 мил. ав. 601 йилларда мисрликларни ва уларнинг Фиръавни Нехо II га кўшиб барчасини ўз кўшини билан кувиб бориб Миср чегарасигача хайдайди ва уларга кахрини ҳам ўтказди. Мил. ав. 599 ва 597 йилларда Шом диёри, бутун Фаластин ва Куддусни ҳам оссурийлардан тортиб олади ва Фаластиндаги Бани Исроилнинг жанубий тарафдаги Яхуза давлатини ҳам кулатади. Куддус подшоси Довуднинг оиласи-наслидан бўлган Яхваоким унга қаршилиқ кўрсатолмайди. Хаттоки, у - Бухтанассорга совга саломлар билан саховат кўрсатиб келса ҳам уни қатл қилдиради. Ва унинг ўрнига Куддусга ўгли Ияхонияни тахтга ўтказди. У хаттоки Тавротни ҳам ёкишга журъат қилади.

Сўнгра сургун бошланади, улардан уч мингдан ортиги олимлари эди. Ўша вақтда Бани Исроил - «Бобиллик асирлар»га айланади. Шом ва Фаластин бошқаруви то Мисргача бўлган ерлар Бобилга тўлик боғланган бўлади. Миср ҳам унинг ҳукмига қарши чиқолмас эди. Қаранг! Мусо Бани Исроилни кулликдан қутқарган эди; қачонки улар унга эргашишдан бош тортганларида яна кулликка қайтдилар. Жазо амалнинг жинсига қўра берилади, деб бежиз айтилмаган! Аллоҳ таоло айтади: «Агар Ал-лоҳ уларга сургунни (тақдирларида) битмаганда; дунёда уларни аниқ азобларди. Ва улар учун охиратда ўт азоби бор».(Ҳашр: 3.) Бу сургун гўё улар қилган жиноятларга нисбатан енгилроқ жазо бўлди, акс ҳолда қаттиқроқ уқубатларга йўлиқар эдилар.

Мил. ав. 597 йили Ияхония яна бир бор Бобилга қарши муқтакиллик учун сиёсат юргизиб қўради, лекин, у ҳеч нарсага эришолмаганидан Қуддусни Бухтанассорга жангсиз топширишга мажбур бўлади. Натижада, Ияхон ҳам оиласи билан бирга Бобилга асир қилиниб сургун бўлади. Ўрнига унинг амакиси Седекюни подшоҳ эмас шунчаки ўзларининг ҳокимларидан бири ўларок тайин қилади, Бобилга қарши чиқмаслик ва Миср билан ҳамкорлик қилмасликни кескин шарт қилади ва уларга жия тўлашни ҳам юқлайди. Бирок, кейинчалик мил. ав. 586 й. Мисрнинг янги Фиръавни Априя Қуддус тарафдан қелиб яхудийлар ёрдамида Бобилга ҳужум қилмоқчи бўла-ди. Лекин, бобилликлар мисрликларни Фаластиндан яна қисиб чиқариб то келган ерларига қайта қувиб юборишади. Колаверса, айнан ўша йилда Қуддусда очарчилик бўлади ҳамда вабо касаллиги ҳам тарқалиб аҳолисини анча қувватсиз ҳолга келтиради. Дарвоқеъ, у вақтга қелиб Новабобилнинг янги подшоси Бухтанассор II нинг қуёви Нурғол бўлади. У - Қуддусга ҳоким қилиб тайинланган Седекюнинг хиёнатини билгач, уни қочиб кетаятган еридан ушлаб қелиб қўзларини ўйдиради ва у ҳам Бобилга асир қилиб юборилади. Мана шу сабаб Нурғол яна бир бор Яху-за давлатининг қолдигига - яхудийларга қарши ва Сулаймон алайхисса-ломдан қолган Ҳрамга қўшиб бутун шаҳарни йўқ қилиш учун жуда қўп аскарлар билан ҳужум қилиш натижасида Қуддусдаги Сулаймон алайхиссалом қурган Биринчи Ҳрамни ва шаҳарни ҳам тамоман йўқ қилади, Қуддусга ўт қўяди, шаҳар ичи ва атрофидаги деворларини қулатади, на-тижада шаҳарда яхудийларга тегишли эски асоратдан асар ҳам қолмайди. Шундай ҳужумлар натижасида Бани Исроилнинг Яхуза давлати ҳам мил. ав. 586 йиллар охирида батамом яқун топади.

Ўша замонлардан бошлаб яхудийлар «хорлик даврини» кечири бошлайди. Аллоҳ таоло айтади: «Улар қаерга бормасин уларга хорлик урилди, ...».(Оли Имрон: 112)

- Бобил ҳақида Қуръонда бир хабар айтилган, унинг қайси даврда экани аниқ маълум эмас, лекин бу ҳақида яхудийлар ҳам айтиб келган ри-воятлар бор, эҳтимол улар сургун вақтида Бобилда синовга учраган замонларда бўлгандур, Аллоҳ таоло тарафидан келган бу синовдан кейин шайтонларга эргашган кофир яхудийлар эса Сулаймон алайхиссаломга тухмат қилган эди: «Сулаймон мулкига шайтонлар тиловат (васваса) қилган нарсага (яхудийлар) эргашдилар. Ва Сулаймон қуфр келтирмади ва лекин шайтонлар қуфр келтирдилар; одамларга (уларнинг динини бузиш учун) сеҳрни ва Бобилдаги икки фаришта Хорут ва Морутга (синов учун) туширилган нарсани ўргатар эди. Иккиси ҳам, токи: биз факатгина синовмиз, (сеҳрни ўрганиб) кофир бўлма, дегунларича бирортасига ўргатмас эди, бас иккисидан эр ва хотинининг орасини ажратадиган нарсаларни; у билан (яъни синов бўлган сеҳрни) ўрганардилар, у билан бирортасига зарар бергувчилар эмас, магар Аллоҳнинг изни биландир ҳамда ўзларига зарар берадиган ва уларга фойда бермайдиган нарсани ўрганардилар. Ва дарҳақиқат, уни сотиб олган қимса учун охиратда бирор насиба йўқлигини (яхудийлар) билдилар, у

билан нафсларини сотиб олган нарсалари (яхудийларга) ёмон бўлди, албатта, кани энди билсалар эди». (Бакара: 102) Мукаддас Фаластиндан Ирокка сургун бўлган яхудийларнинг ахволига бир каранг-а! Накадар пасткашлик, бир вақтлар кавмини - ҳам диндорликда, ҳам дунёда етук даражага олиб чиккан ўз пайгамбари ва подшохи бўлган Сулаймон алайхиссаломга тухмат килсалар-а?! Аллох таоло уларга бекорга газаб килмаган, дейсан киши - бу оятларни ўкиб...

"ФАЛАСТИН ўтмиш ва келажак" китобидан